

Тўлқин Азимов

Тошкент ислом институти Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
+998909510207

“Тасаввуф” сўзининг маъноси: “Тасаввуф” лафзининг қайси сўздан олинганлиги ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилган. Шулардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

1. Тасаввуф сўзи **الصوف** (жун) сўздан олинган. Чунки сўфий ўзини Роббисига топшириб, барча нарсада таслим бўлишида худди ташлаб қўйилган жунга ўхшайди.
2. Тасаввуф сўзи **الصِّفَة** (сифат, хислат) сўздан олинган. Чунки тасаввуфдаги умумий тушунча гўзал хулқлар билан сифатланиб, ёмон хулқларни тарк қилиш дегани³³.
3. Тасаввуф сўзи **الصِّفَة** (суфа) сўздан олинган. Чунки Ислом тарихидаги зоҳидликни танлаб, ибодатга киришган биринчи жамоа бу асҳоби суфа ҳисобланади³⁴.

Аммо бу фикрга қарши тарафлар: агар “суфий” сўзининг асли суффа бўлганида, уни “суфий” дейиш керак эди, дейдилар.³⁵

4. Тасаввуф сўзи **الصَّف** (саф, қатор) сўздан олинган. Аллоҳга қалблари билан юзланиш ва ибодатларда пешқадамлик қилишда барча сўфийлар бир сафда турганликлари учун.³⁶

Аммо луғат уламолари бу фикрни рад этадилар. Чунки, сафга нисбат берилса, “сафий” дейилиши керак эди.³⁷

5. Тасаввуф сўзининг келиб чиқиши **الصوف الخشن** (жундан тикилган дағал мато) калимасига бориб тақалади. Чунки мўминлардан бир тоифа инсонлар тарки дунё қилиш учун шунақа кийимни кийиб юришган³⁸.

Аввало, луғат жиҳатидан бу исм жуда тўғри келади.

“Сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг луғавий маънолари ҳақида турли хил фикрлар айтилганидек, уларнинг истилоҳий маъноси борасида ҳам турли қарашлар бор. “Қавоидут тасаввуф” китобида зикр қилинишича, машҳур тасаввуф шайхи Адмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳ икки мингга яқин таърифни келтирган. Уларнинг ҳаммаси “Аллоҳ таолога содиқ таважжуҳ” қилиш маъносидадир.³⁹ Чунки таважжуҳнинг кўринишлари кўпдир. Шундан ҳар бир кишининг тасаввуфи унинг

³³ Ибн Ажиба. Ийкозул ҳимам фи шарҳи ҳикам. – Уммон: Дорул қалам, 2010. – Б. 3.

³⁴ Абдулқодир Иса. Ҳақоик анит тасаввуф. Байрут: Дорул кутуб, 1998.- Б 16.

³⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент: “Шарқ”. -2012. –Б 29.

³⁶ Ихсон Илоҳий. Тасаввуф, маншаъ ва масодир. Дамашк: Доруссалом, 2003. – Б. 18.

³⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент: “Шарқ”, 2012. –Б 29.

³⁸ Юсуф Хаттор Муҳаммад. Ал-мавсуъатул Юсуфийя фи баъни адиллатис суфийя. Ҳалаб: Дорул Арқам, 1996. - Б. 2.

³⁹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. - Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б 31.

рост таважжухидир. Тасаввуфда ислом билан амал қилиш лозим бўлади. Фикҳсиз тасаввуф йўқдир. Зеро Аллоҳ таолонинг зоҳир ҳукмларини фақат фикҳ билан танилади. Шунингдек тасаввуфсиз фикҳ йўқдир. Зотан амал рост таважжухсиз қабул бўлмайди. Бири иккинчисисиз саҳиҳ бўлмайди.

Шайхул ислом Закариё Ал-Ансорий тасаввуфнинг таърифи ҳақида қуйидаги сўзларни айтадилар:

التصوف: علم تعرف به أحوال تزكية النفوس، وتصفية الأخلاق وتعمير الظاهر والباطن لنيل السعادة الأبدية

Тасаввуф: Абадий саодатга эришиш учун нафсни поклаш, хулқларни мусаффолаштириш, ташқи ва ички дунёни тузатишни ўргатадиган илмдир⁴⁰.

Шайх Аҳмад Заррук раҳматуллоҳи алайҳ ҳам тасаввуф таърифи ҳақида жуда чиройли сўзни айтганлар.

التصوف: علم قصد لإصلاح القلوب، وإفرادها لله تعالى عما سواه. والفقہ لإصلاح العمل، وحفظ النظام، وظهور الحكمة بالأحكام. والأصول "علم التوحيد" لتحقيق المقدمات بالبراهين، وتحلية الإيمان بالإيقان، كالطب لحفظ الأبدان، وكانحو لإصلاح اللسان إلى غير ذلك

“Фикҳ” фани амални ислоҳ қилиш, низомни сақлаш, аҳкомларнинг жорий қилинишидан қасд қилинган ҳикматни зоҳир қилиш учун, “Ақида” илми далилларни қоим қилиш йўли билан эътиқод қилиш керак бўлган нарсаларга иймон келтириш ва иймон масалаларини ишонч билан таҳлил қилиш учун, “Тиб” фани баданни саломатлиги учун, “Наҳв” фани тилни хато нутқ қилишдан саломат қолиши учун бўлса, “Тасаввуф” эса қалбларни ислоҳ қилиш, тузатишни қасд қилган илмдир.⁴¹

Ҳофиз, имом Муҳаммад Сиддиқ Ғомарий айтадилар: “Тариқатнинг асоси самовий ваҳийдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дин деб бирма-бир ўргатиб чиқиб: “Бу Жаброил бўлиб, сизларнинг динингизни ўргатгани келди” дея баён қилганларидаги уч рукннинг бири эҳсон айнан тариқатдир. Ислом тоат ва ибодатдир, иймон нур ва ақидадир, эҳсон эса муроқаба ва мушоҳада мақомидир. Бу “Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилмоғинг, гарчи сен Уни кўрмаётган бўлсангда, У сени кўриб турибди”, мақомидир. Демак, дин ҳадисда айтилганидек учта рукндан иборат экан, ким ана шу эҳсон мақоми бўлган тариқатни бузса, шубҳасиз динига нуқсон етибди. Чунки у дин рукнларидан бир рукнни тарк этган бўлади. Ваҳоланки, ислом ва иймонни дурустлагандан кейин, тариқат унга чақирадиган, ишора этадиган бор нарса бу эҳсон мақомидир”.

Юқорида Табаъа тобеъинлар давридан кейин аста-секин руҳий тарбия устозлари етишиб чиқдилар.

Тасаввуфни инкор қилувчи ёки уни шариатдан узоқ деб билувчи кишилар зуҳд деганда дунёдан ва одамлардан узоқда бўлиш, қаттиғ нон ейиш, йиртиғ-ямоқ кийимлар кийиш каби ишларни тушунишади. Бу сўзларини ўзларидан тўқиб айтишмаётганлигига, балки, тасаввуф аҳлининг фикр ва ишларидан келиб чиқиб

⁴⁰ Шайхул ислом Закариё ал-Ансорий. Шарху рисолатил кушайрийя. – Байрут: “Дорул кутуб”, 2001. - Б. 18

⁴¹ Аҳмад Заррук . Кавоъидут тасаввуф. - Байрут: “Дорул улум”, 2003.- Б.36.

гапираётганларини қувватлаш мақсадида тариқат шайхларини фикрларини келтиришади.

Расулуллоҳдан дин илмларини ўрганган ва ҳар бир зоҳирий ва ботиний ҳолатларида У зотга тақлид қиладиган машҳур саҳобалардан ҳам умрининг охиригача бой бадавлат бўлиб ўтганлари бор. Ваҳоланки, улар пайғамбарлардан кейин башариятнинг энг афзал кишилари деб эътиқод қилинади. Зеро, Расулуллоҳнинг ўзлари ҳам менинг саҳобаларим осмондаги юлдузлар кабудур. Қайси бирига эргашсангиз ҳам тўғри йўлни топаверасизлар, деган маънодаги ҳадисларини айтганлар”.

Уларнинг мазкур тасаввуф ҳақидаги нотўғри фикрларини тўғрилаш мақсадида ва тариқатнинг шариатдан алоҳида нарса эмас, балки, иккаласи якдил уйғунликдаги бир нарса эканлигини тушунтириш учун уларнинг юқорида ўтган эътирозли саволларига қуйида қисқача изоҳли жавоб берамиз. Биламизки, дин башариятни босқичма-босқич камолотга етказишни мақсад қилган. Шу боис баъзи шаръий ҳукмлар хос ва умумга ажралади. Мисол учун Расулуллоҳнинг ўзларига ва У зотнинг оилаларига алоҳида ҳукмлар келган. Расулуллоҳни оладиган бўлсак, У зотга таҳажжуд намози фарз эди. Умматга эса ихтиёрий бўлди. У зот олдида савол сўраб келган кишиларга агар саволлари бир хил бўлсада, сўровчининг ҳолатига қараб турлича жавоб берар ва тоқатига қараб турлича ишларга буюрардилар. Учта саҳобанинг ҳадисига келсак, Расулуллоҳ уларнинг ўз бошимчалигидан ғазабландилар. Чунки, динда бу каби ўз бошимча иш қилиш шариатнинг бузулишига ва бошқа динлардагидек роҳибликка олиб келиши мумкин. Зеро, бу каби ҳолатлар шариат энди ривожланаётган пайтда ўта хатарли эди. Қолаверса, ҳадислар ичида умум ва хосни ёки фақат хосни ёки фақат умумни ўз ичига оладиганлари бор. Ҳадислардаги фақирлик маънавий фақирликни ҳам ўз ичига олади. Юқоридаги сўзларимизни Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳнинг айтганларидан ҳам тушунсак бўлади. У киши шундай дейди: “Зухд уч қисм бўлади: Биринчиси – ҳаромни тарк қилиш. Бу авомларнинг зуҳди. Иккинчиси – ортиқча ҳалол нарсаларни тарк қилиш. Буниси хос кишиларнинг зуҳди. Учтинчиси – бандани Аллоҳ таъолодан машғул қилиб қўядиган барч нарсаларни тарк қилиш. Бу эса ориф бандаларнинг зуҳди. Суфёни Саврий айтади: “Зухд – бу жун кийим кийиш ёки ғализ овқатларни ейиш эмас, балки, орзу ҳавасни камайтиришдир”. Яна айтилади: “Зухд – нафсни ҳеч қандай такаллуфсиз дунёдан хотиржам қилишдир”⁴².

Дарҳақиқат, тариқат шариатдан узоқ нарса эмас. Балки шариатнинг бир бўлаги, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, унинг руҳидир.

Орифлар султони Аҳмад Яссавий (р.а.) эса:

الشريعة عمل بالأركان أى بالظاهر والطريقة عمل بالقلب والحقيقة عمل بالسر

⁴² Имом Кушайрий. “Рисола”. – Байрут, Ливан.: “Дорул кутуб илмийя”, 2001. 152 бет

“Шариат зоҳирда аъзолар билан амал қилиш, тариқат қалб билан амал қилиш, ҳақиқат эса сир (қалбдаги жавҳар, кўнгил) билан амал қилишдир” деганлар.⁴³

Шариат ва тасаввуфнинг бир-бирини тақозо қилиши ҳақида Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг қуйидаги сўзларини эслаш кифоя: “Ким сўфий бўлса-ю, фақиҳ бўлмаса, зиндиқ бўлибди. Ким фақиҳ бўлса-ю, сўфий бўлмаса, фосиқ бўлибди. Ким иккисини жамласа муҳаққиқ бўлибди.⁴⁴ Бунинг маъноси, биринчи ҳолда киши ҳикмат ва ҳукмларни инкор этгани учун мажбур жабарий бўлади. Иккинчисида эса илми Аллоҳга гуноҳдан тўсувчи рост таважжухдан ва амалларда шарт қилинган ихлосдан холи бўлгани учун фисққа йўл қўяди. Ҳақни тутишда ҳақиқатга риоя этгани учун учинчиси Ҳаққа эришади.

Бундан аввал шариат аҳкомларини яхши ўрганиб олиб, сўнгра тариқат йўлига кирмоқ зарурлиги яққол кўриниб турибди. Шаръий аҳкомлар ҳақида сўз борганда тариқат шайхларининг гаплари эмас, фақиҳларнинг гаплари ўтиши ҳам оддий ҳақиқат экани билинмоқда.

Тасаввуф айнан шу нарсани, яъни, Қуръон ва Суннатда келган маъноларни тушуниш билан кифояланиб қолмай, уларнинг моҳиятини англаб етиш, уларга бутун вужуд ила амал қилишни йўлга қўйишни ўргатади. Бошқача айтганда, мужтаҳид уламоларимиз Қуръон ва Суннатдаги маъноларни бизларга тўғри тушунтириб берган бўлсалар, муҳаққиқ, сўфийларимиз ўша маъноларнинг руҳиятини англаиб берганлар.

⁴³ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. - Б. 148.

⁴⁴ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 33.